

ЖАЛҚ СУЗУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
ЖУМОД АЛ-АВВАЛ, 6-КУН
ШАМСИЙ,
1370 ЙИЛ,
АҚРАБ, 24-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1991 йил 13 ноябрь, чоршанба, 219-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЯНН.
СОТУВДА 10 ТИЯНН.

ОЛИЙ КЕНГАШ СЕССИЯСИГА БЕШ КУН ҚОЛДИ

Шу кунларда ким билан гаплашманг, республикамиз парламентининг бўлажак сессиясини кўришдан гап очадди. Унда кўриладиган масалаларни кўриш мўҳо- кама қилади. Икки-уч одам- нинг боши қовушган жойда беҳитёр мўназар авжи- га чиқади. Бизнингча, бу- нинг ажабланидан жойи йўқ. Чунки кун тартибидagi барча масалалар ҳам ўта муҳим, беҳитёр долзарб. Кўйида ана шундай бахс ва мунозараларда тўқилган фикрлардан айримларини эълон қилишга ҳавола қи- ламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ НАВАБДАГИ СЕССИЯСИ
Олий Кенгашининг навабдан ташқари еттинчи сессиясини ойна жаҳон орқали гоҳ севинч, гоҳ алган билан томоша қилдим. Эндигина кур- так отиб келётган демокра- тия сессияда ниҳоят кўзага ташланди. Бирок уни ишчан ва тўла демократия асосда ўтди,

қасамд қилиши (керак бўлса аллоҳ номи билан) тарафдорин- ман.
Яна бир масала. Урта Осиё халқларининг тақдирини бир. Чунки бир ердан сув ича- миз, қуд-андамиз, тилимиз ҳам, динимиз ҳам бир. Бас, шундай экан, бир жумҳурия- нинг тақдирини ҳал бўлаётган сессияда бошқа жумҳурия- тиникини ҳам меҳмон сифа- тида катнашсалар яхши бўлар- ди. Керак бўлса, мулоҳазала- рини айтсинлар, фикр алмаш- синлар. Шунда дўстлик ипла- рини янада қаттиқроқ боғланади.

САЛОХИДДИН МАҲМУДОВ.
Андижон ил-газалаи ишлаб чиқариш бirlашмаси таъ- минот бўлиши иқтисодчиси.
ДАВР ТАҚЗОСИ
Очирини айтганда, маҳаллий советлар ҳали ҳам ҳеч нарса-

ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

12 ноябрь кун Тошкен- да Ўзбекистон Республика- си Олий Кенгаши Аграрно- саноат комплекси ва сув хўжалиги комитетининг навабдаги мажлиси бўлди. Уни коми- тет раиси Ш. Мирзаев олиб борди.
Мажлиса Жizzах вилоя- ти халқ депутатлари маҳал- лий советларининг Ўзбе- кистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонунини жой- ларда амалга ошириш юза- сидан олиб бораётган ишла- ри ҳақидаги масала кўриб чиқилди.
Жizzах вилояти халқ де- путатлари маҳаллий совет- лари ва уларнинг икрияга комитетлари ушбу қону- ннинг амалда бажарилишини ва ер ажратиб берилган бар- ча қишлоқнинг ундан уну- мли фойдаланишини назорат этиш бўйича маълум ишлар қилганини таъкидлади ва бу борадаги камчиликлар кўрсатиб ўтди.
Вилоят совети ва унинг маҳаллий икрияга комитет- ларига ерларни қишлоқ хў- жалиги ва ноқишлоқ хўжали- ги мақсадлари учун ажрат- иб беришда, шунингдек,

ХАВАРИНГИЗ БОРМИ?

● СССР Давлат Кенгашининг аъзоси А. Н. Яковлев 11 ноябрда стратегик барқарорлик масалалари юзасидан маслаҳатлашу мақсадида АҚШга жўнаб кетди. Вашингтон- да у М. С. Горбачевнинг мактубини Америка Президенти Ж. Бушга топширади.
● Душанба кун Арманистон парламентининг махсус маж- лисида Левон Тер-Петросянин республика Президенти ла- вазимини эгallaши муносабати билан тантанали маросим ўтказилди. У яқинда бўлиб ўтган сайловларда 83,3 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган эди.
● Парламентда сузга чиққан Левон Тер-Петросян бундай деди: «Мен халққа мўъжиза ваъда қила олмайман, бироқ ишоним комилки, таклиф этган дастурининг ҳатто бир қисми бажаришга тақдирда ҳам Арманистон келаси йил қишга қадар олға томон сезиларли қадом қўяди».
● Бир ҳафталик танавфусдан сўнг Беларусь Республика- си Олий Кенгашининг сессияси яна иш бошлади. Унда депу- татлар гоҳ муҳим масалалардан бири — янги Конституция лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар.
● Совет Армийасининг биринчи бўлими Эстонияни тарк этиди. Виру яқинда жойлашган ҳаво-десаңз батальони- нинг ҳарбий техникаси ортинган эшелон жўнаб кетди. Мол-мулкни кўриқлаш учун ўттизга яқин десантчи қолди, холос. Вильяндаги суздаи шундай батальон ҳам кўнша ҳозирлик кўриқдади. СССР мудоффа вазири Е. Шапошников Эстония ҳукуматиға бу икки бўлимининг бир ой мобайнида олиб чиқиб кетиш ҳақида ваъда берган эди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари мўддат ўтиб кетганини унга эслатмоқдалар.
● Афғон оппозицияси «ўттиш ҳукумати» делегацияси ра- барин, «Афғонистон ислом жамияти» етакчиси Бархунддин Раббоний Россия вице-президенти Александр Руцкой билан олиб борган музокаралари биринчи бўлимининг натижа- ларини «конструктив ва умидбахш» деб баҳолади.
● Бархунддин Раббоний таъкидлашча, Александр Руцкой бир қатор «қизиқарли таклифларни» илгари сурди, оп- позиция Россия вице-президенти билан чоршанба кун иттиҳлашган иккинчи учрашувда уларни муҳокама қи- лишга тайёрди.
● БМТ инспекторлари гуруҳи Бағдодга келди. Рўсманй шахлар маълум қилишларича, улар Ироқдан бойитилган уррани олиш ниятидадиллар.
● Ядро инвизияси уни ишлаб чиқарган мамлакатга, яъни Совет Иттифоқиға жўнатилади, деб айтиди гуруҳ раҳбарла- ридан бири А. Ливингтон.
● Жанубий Остетиянинг танг аҳолидаги нуқталари — Цхинвали ва Знаури районини қишлоқларидан ташвишл хабарлар олинмоқда. Мўзтор вилот ахборот комитетининг мабуот маркази маълумотларига кўра, душанбаға ўтар кечаси ана шу жойларда яна отишлардан овозин эшитилиб турган. Шаҳарнинг шимолни ва жанубий қисмлари, Знаури қўрғонидagi ўлкара ўқ ёғдирилган. Дастлабки ҳисоб-китоб- ларга қараганда, олти киши ярадор бўлган. Уш набатда, остетиялар ҳам жавоб ўқлари отишган.
● Озарбайжон Президенти республика парламенти ўзининг аввалги қарорини қайта кўриб чиқилиш лозимлигини айтиди. Уш қарорга кўра Озарбайжон шартномаға мизо чекмаслиги зарур эди. «Эътироф этиш керакики, — дейди А. Муталибов, — биз еттиш йил мобайнида қаттиқ иқти- содий интеграция шартинда бўлиб келганимиз, эндилик- да бу алоқаларни барбод қилиш мумкин эмас». «Икки қар- рор тилган алоқа риштларини ўзи ташласа, энг аввало ўзига эиён етказадик».
● Пекинда бўлиб ўтган Вьетнам—Хитой учрашувини икки томонлама муносабатларини мабул ҳолга келишига ҳў- маклашувини аниқ ва мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳам- корликни тиклаш ҳамда ривожлантиришда янги саҳифа очади. ВСР ва ХХР раҳбарлари олиб борган музокараларини г якуналари, деб вазди «Нян зан» газетаси, иккала томон- нинг ўтмишдан абадий воз келиши ҳамда ўзаро ҳамкор- ликнинг янги, порлоқ бошиқичига ўтишга аҳду паймон қил- ганликларидан далолат беради.
● Латви миллатига мансуб америкалик адвокат Брўзисш Латвия Компартиясининг собиқ раҳбари Альфред Рубиксин қумон қилиш учун ўзининг бепул хизматини таклиф этди. А. Рубикс 23 августда Факултетада ҳолат давлат комитети иш бўйича қамоққа олинган эди. Хўқуқшўноснинг ҳафта охирида Латвияға келиши кутилмоқда. Москва ва Ригадан адвокатлар билган Рубикс унинг ёрдамидан ҳам фойдала- нишга розилик берди.
(ТАСС ва марказий рўзномалар материаллари асосида тайёрланди).

РЕСПУБЛИКАНИНГ ДАВЛАТ НИШОНИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенга- шининг навабдан ташқари еттинчи сессиясида Ўзбекистон давлат рамзла- рининг вариантлари қандай тайёрланаётганини тўғри- сида конституциявий коми- ссиянинг экспертлар гуруҳи- нинг раҳбари, республика халқ депутати М. С. Сало- хиддиновнинг ахбороти тингланган эди. Шу сес- сияда давлат байроғи на-

мунаси тасдиқланди, давлат байроғи тўғрисидаги қо- нунни навабдаги сессия- да муҳокама қилиш ва қа- бул этиш кўзда тутилмоқ- да. Шу билан бир вақтда экспертлар гуруҳиға давлат нишонини нусхаларини тай- ёрлаш ишларини давом эттириш топширилган эди. Бу гуруҳ таъин этилган бир қанча намуналарни ўр- ганиб чиқиб, Олий Кен- гашда нишоннинг нусха- ларини кўриб чиқиш мум- кин деб ҳисоблайди, шу

ниҳонинг паст қисмида — Ўзбекистон замини, унинг меҳнатсевар халқи етишти- радиган неъматлари тасвир- ланган.
Жizzах вилояти халқ де- путатлари маҳаллий совет- лари ва уларнинг икрияга комитетлари ушбу қону- ннинг амалда бажарилишини ва ер ажратиб берилган бар- ча қишлоқнинг ундан уну- мли фойдаланишини назорат этиш бўйича маълум ишлар қилганини таъкидлади ва бу борадаги камчиликлар кўрсатиб ўтди.
Вилоят совети ва унинг маҳаллий икрияга комитет- ларига ерларни қишлоқ хў- жалиги ва ноқишлоқ хўжали- ги мақсадлари учун ажрат- иб беришда, шунингдек,

Давлат нишонлари минглаб йиллардан буйн мавжуд бў- либ, улар алоҳида олганда ҳар бир мамлакат ва давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва муудоалари раъзи ҳисоб- ланади. Масалан, қадимий Хи- тоё давлатининг нишонинда унумадорлик, осейишталик ва кўтар раъзи сифатида эвдор тасвирланган. Узгаларнинг ер- ларини босиб олиш йўли билан беловий империяларни вукудага келтиришга иттилик жинот ҳисобланганда ҳамда таъмувозорға нисбатан ҳо- зиргидек шафқатсиз муно- сабат бўлмаган ўтган аср- ларда давлат нишонларида вақший хайвонлар ва қушлар, масалан, шер, икки бошли бургут ва бошқалар тасвир- ланган.
Ҳозирги вақтда халқларга тинчлик, озошлик ва тенглик зарур, давлатлар эса муста- қилликка, ахлитликка ва че- гереларининг даҳисизлигига итилясоқда. Давлат нишонла- ри раъзида янги шулар ас- этмоғи керак. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси янги нишонининг раъзи учун тарихий аъналар ва афсона- вий Семург қуш билан боғлиқ бўлган халқ озаки ижодиети мавзуси кўпроқ мос келади. Тарихий асарлар- да Семурис Хумо, яъни бахт келтирувчи қуш деб ҳам атишган.
Семург тасвири турк дав- латларининг қадимий манба- ларидан ҳам маълумдир. Хо- размиларнинг муқаддас китоби «Авестода Семург-Хумо ҳақида гапирилади, унда яна шу қушнинг эзулиги, гўзал- лиги ва қудрати тасвирланган. Семург одамларни қанотига ўқазиб, уларни қулфатдан халос этади, шафқатсиз ра- қиблардан қутқаради, фақат олижаноб ва инсонпарвар ки- шиларға ёрдам беради.
(Давоми учинчи бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МАҲАЛЛА КОМИТЕТЛАРИ ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қўн йиллик ҳалол меҳнати, аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларға қўшган ҳиссаси ва жамоат ҳаётида фал жатнашгани учун қуйидаги ўртоқлар ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАҲРИЙ ЕРЛИГИ билан мукофотлансин:

Абдуллаев Нормамат — Илйич районидagi Октябрь 60 йиллик номли давлат хўжалиги маҳалла комитетининг раиси, Сирдарё вилоти.
Оқмирасов Сайфулла — Тошкент шаҳар Куйбишев районидagi «Гулистон» маҳалла комитетининг раиси.
Асадов Нишон Асадович — Тошкент шаҳар Октябрь районидagi «Хувайдо» маҳалла комитетининг раиси.
Орпнов Ором — Улянов районидagi Мўғлон маҳалла комитетининг раиси, Қашқадарё вилоти.
Аҳмедов Учқун Маҳмудович — Шахрисабз шаҳридаги 3-маҳалла комитетининг раиси, Қашқадарё вилоти.
Аҳмедов Ҳабибулла — Тошкент шаҳар Сергели рай- онидagi «Маданият» маҳалла комитетининг фаоли.
Жиемуротов Жўмамурод — Нукус шаҳридаги 1-ма- ҳалла комитетининг раиси.
Жўраев Неъмат — Китоб шаҳридаги «Хиромон» ма- ҳалла комитетининг раиси, Қашқадарё вилоти.
Комилов Кабир — Тошкент шаҳар Киров районидagi «Янгиариқ» маҳалла комитетининг раиси.
Қурбонов Ҳожиакбар — Тошкент шаҳар Собир Раҳи- мов районидagi «Маданият» маҳалла комитетининг раиси.
Эшқулов Тошқул — Қосон шаҳридаги «Наргобаланд» маҳалла комитетининг раиси, Қашқадарё вилоти.
Лемешкина Валентина Ивановна — Тошкент шаҳар Ленин районидagi 14-маъзе комитетининг раиси.
Мамадалиев Шариф — Самарқанд шаҳар Темир йўл район уй комитетларини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси.
Маҳмадов Қадҳор — Тошкент шаҳар Октябрь район «Чўпон ота ноъза» маҳалла комитетининг раиси.
Маҳмудова Ҳақима — Янгиқўрғон қишлоғи Фурқат номли маҳалла комитетининг раиси, Наманган вилоти.
Мингбоев Карим Назарович — Каттақўрғон шаҳридаги «Нориробот» маҳалла комитетининг раиси, Самарқанд вилоти.
Мўминов Зокир — Қўқон шаҳридаги 3-маҳалла коми- тетининг раиси, Фарғона вилоти.

Муҳамедов Мўмин — Тошкент шаҳар Сергели рай- онидagi «Қумариқ» маҳалла комитетининг раиси.
Мўхсинова Мўмина Ашуровна — Бухоро шаҳар Фай- зулла Хўжаев районидagi 7-маҳалла комитетининг раиси.
Набиев Валхон — Тошкент шаҳар Фрунзе райони- даги «Обуван» маҳалла комитетининг раиси.
Рамазонова Салима Ҳайитовна — Бухоро шаҳридаги 11-маҳалла комитетининг раиси.
Раҳимов Умнат — Ворошилов районидagi «Дўстлик» маҳалла комитетининг раиси, Сирдарё вилоти.
Раҳматов Ҳолиятжон — Ленинск шаҳридаги Ленин маҳалла комитетининг раиси, Андижон вилоти.
Раҳматуллаев Дадажон — Задарё районидagi К. Маркс номли маҳалла комитетининг раиси, Наманган вилоти.
Собитов Аҳтам Ҳаматович — Бухоро шаҳридаги 1-уй- жойлардан фойдаланиш бошқармасининг фаоли, таксо- мотор саройининг хайдовчиси.
Саматов Тоғаймурод — Денов шаҳридаги 8-маҳалла комитетининг раиси, Сурхондарё вилоти.
Салоев Исмонил — Хива шаҳридаги «Гулирайҳон» маҳалла комитетининг раиси, Хоразм вилоти.
Солыев Акбарали — Бекобод районидagi «Коммунист- тик» маҳалла комитетининг раиси, Тошкент вилоти.
Спаев Давлат — Урганч районидagi «Чаккақули» ма- ҳалла комитетининг раиси, Хоразм вилоти.
Сарсеилов Убайдулла — Тошкент шаҳар Бектемир районидagi «Бузовчи» маҳалла комитетининг раиси.
Сотибодиёв Шернат — Узув районидagi «Янги куч» маҳалла комитетининг раиси, Сурхондарё вилоти.
Темуров Шукур Салим — Тошкент шаҳар Акмал Ик- ромов районидagi А. Тожиев номли маҳалла комитети- нинг раиси.
Тулаганов Бахтиёр — Тошкент шаҳар Чилонзор рай- онидagi «Тинчлик» маҳалла комитетининг раиси.
Хўжаев Абдуғаффор — Сирдарё районидagi «1 Май» маҳалла комитетининг раиси, Сирдарё вилоти.
Ҳасанов Неъматжон — Тошкент шаҳар Ҳамза рай-

ондagi маҳалла комитетларини мувофиқлаштириш кен- гашининг раиси.
Шомуротов Райимбой — Беруний шаҳридаги маҳалла комитетининг раиси.
Қўнидаги ўртоқларға «ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ» ФАҲРИЙ УНВОНИ БЕРИЛИСИН
Асадуллаев Мамасоли — Андижон шаҳридаги «Обод» маҳалла комитетининг раиси.
Аҳмедов Рашид — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидagi «Янги Тошкент» маҳалла комитетининг раиси.
Вадалов Асия — Марғилон шаҳридаги «Ейилма» ма- ҳалла комитетининг раиси, Фарғона вилоти.
Искандаров Эгамберган — Урганч шаҳридаги 13-ма- ҳалла комитетининг раиси, Хоразм вилоти.
Мусин Зелмихон Файзуллаевич — Гулистон шаҳрида- ги 3-маҳалла комитетининг раиси, Сирдарё вилоти.
Набиев Вали — Тошкент шаҳар Акмал Икромов рай- онидagi «Бекобод» маҳалла комитетининг раиси.
Усмонов Раҳимжон Усмонович — Жizzах шаҳар «Зо- минлик» маҳалла комитетининг фаоли.
Раиметов Бахи — Нукус шаҳридаги 38-маҳалла коми- тетининг раиси.
Раҳимов Ҳамро — Қарши шаҳридаги «Бешғумбаз» маҳалла комитетининг раиси, Қашқадарё вилоти.
Турдыев Топтемир Тураниев — Денов район икрияга комитети раисининг ўринбосари, Сурхондарё вилоти.
Туртқуболова Сора — Нукус шаҳридаги 39-маҳалла комитетининг раиси.
«ЕШЛАРНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МЎРАБВИСИ»: Арабов Кучмурод — Учқўрғон районидagi «Оқтовляк» маҳалла комитетининг раиси, Наманган вилоти.
Ҳўломов Эркин Тоҳирович — Тошкент районидagi На- лояи номли маҳалла комитетининг раиси, Тошкент ви- лоти.

Дадобоев Ҳафизхон — Наманган шаҳридаги «Қизил юлдаш» маҳалла комитетининг раиси.
Жўрабоев Муниҳон — Илйичевск шаҳридаги Илйич номли маҳалла комитетининг раиси, Андижон вилоти.
Иброҳимов Отажон Иброҳимович — Самарқанд шаҳри Сибё районидagi «Парик коммунаси» маҳалла комитетининг фаоли.
Муҳиддинов Шамсиддин — Наманган шаҳридаги Охунбобоев маҳалла комитетининг раиси.
Сайдуллаев Ҳаби — Жарқўрғон шаҳридаги Улуғбек маҳалла комитетининг раиси, Сурхондарё вилоти.
Солыев Исо Маҳмудович — Самарқанд шаҳар Сибё районидagi 4-уй-нойлардан фойдаланиш идораси уй комитетининг раиси.
Солыев Сағит Шокирович — Самарқанд шаҳар Амр Темир маҳалла комитетининг фаоли.
Тўйчиев Жамол — Янгиёй районидagi «Иттифоқ» маҳалла комитетининг раиси, Тошкент вилоти.
Турдиқулов Насим — Галлаорол районидagi К. Мир- заев маҳалла комитетининг раиси, Жizzах вилоти.
Узоқов Жўра — Фарғона шаҳридаги 5-маҳалла коми- тетининг раиси.
Ҳамидов Ҳошим Ҳамидович — Зомин районидagi Г. Гулом маҳалла комитетининг раиси, Жizzах вилоти.
Худойбергенов Қавом Разақович — Гаалент шаҳ- ридagi 7-маҳалла комитетининг раиси, Тошкент ви- лоти.
Шарипова Муҳаббат — Гўлдувон шаҳридаги Абду- холқ Гўлдувоний маҳалла комитетининг раиси, Бухоро вилоти.
Шарипов Ҳўрун — Қогон шаҳридаги 8-маҳалла коми- тетининг раиси, Бухоро вилоти.
Иўлчиёев Воғир — Жizzах шаҳридаги «Жиззахлик» маҳалла комитетининг котиби.
Едгоров Тура — Ангор районидagi «Янғобод» ма- ҳалла комитетининг раиси, Сурхондарё вилоти.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. ҚАРИМОВ.
Тошкент шаҳри.
1991 йил 9 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМЛАРИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) ўз аъзоларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи республика сиёсий ташкилотидир. Унинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиликларни таъминлашдан иборат. Партия мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни декларациясини тан оладиган ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик ҳуқуқий давлат сифатида қарор топтиришга эришиш ниятидадир.

Партия тарихан тартиб топган халқ демократик анъаналарига, умуминсоний қадриятларига, ахлоқ ва инсонпарварлик қойдаларига, ватанпий ва жаҳон илгор та-

фактурининг ютуқларига асосланиб, меҳнат аҳлини, уларнинг ижтимоий аҳволидан, насл-насабидан, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар манфаатларини йқо-да этади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси сиёсий усул-лар билан жамиятни бирлаштиришга ҳаракат қилади, республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида шовинизм ва миллатчиликни, миллатлараро ва ижтимоий мождорларнинг ажв одирлигини қатъиян рад этади.

Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат қондалари асосида барпо этиш йолларига содиқ бўлиб қолади.

I. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган, партиянинг дастурий мақсадларини тан оладиган ва унинг низомини бажаришда иштирокчи бўлишни мақсад қилган мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб турадиган фуқаро-си Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясида ягона партия билети амал қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, виждон эркинлигини, дахрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламайди. Унинг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши мумкин эмас.

2. Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир.

— ўз нукта назарларини эркин баён этиш, партия сиёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш ва муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

— партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— барча поғоналардаги ваколатли ҳокимият орган-ларига сайланиш учун партиядан номзод этиб кўрсати-лиш;

— ҳар қандай партия органига ва партиянинг ҳар қандай аъзосига баҳо бериш, уларни танқид қилиш;

— ҳар қандай партия органига ариза ва тақлифлар билан муносабат этиш ва ундан жаъоб олиш;

— фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунарига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва низоми қондаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ҳа-ракатларининг ишида қатнашиш;

— бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳол-да ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб ту-риш ҳуқуқига эгадирлар.

Партия ташкилотлари ва партиянинг сайланадиган органлари:

— барча партия ташкилотларида партиявий ўртоқлик муносабатларини таъминлашлари, партия аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари;

— партия аъзоларининг ижтимоий ва қонуни рўхсат этган бошқа фаолиятига сиёсий маддади таъминлашлари;

— партия аъзоларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситилган тақдирда уларнинг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилишлари шарт.

3. Партия аъзоси:

— партия қарорларини, агар улар партия дастури ва низомига зид бўлмаса, бажаришга;

— ўзи танлаган бошланғич партия ташкилотларидан бирининг ҳисобига туршига, унинг ишида қатнашишга ёки ўзгача тарзда партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишга, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва таъсирини кучай-тиришга эришиш учун ҳаракат қилишга;

— барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳур-мат билан муносабатда бўлишга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисида бутун чоралар билан ҳамхўрлик қилишга;

— шахсий намуна билан ижтимоий ахлоқ ва маъна-вий қадриятларни қарор топтиришга;

— партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб ту-ришга мажбурдир.

4. Партия аъзолигига қабул қилиш унга кирувчининг аризасига биноан яқна тартибда амалга оширилади.

Партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида ҳал қилинади ва йиғилишда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақи-қий ва узи-қисил деб ҳисобланади.

Уларнинг дастурий мақсадларига кўра Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиш бошқа сиёсий партияларнинг аъзолари уларнинг таркибидан чиққан-ларидан кейин ХДП аъзолигига умумий асосларда қа-бул қилинади. Бунда бошланғич партия ташкилот-нинг қарори билан уларнинг бошқа сиёсий партияларда бўлган вақти партия стажига тўла-тўқис қўшиб ҳисобла-ниши мумкин.

Кўп йиллик партия стажига эга бўлган партия аъзо-ларига, бошланғич партия ташкилотининг қарорига биноан «Ўзбекистон ХДП фахрийси» деган унвон бе-рилиши мумкин. Ушбу унвон билан тақдирлаб Ўзбеки-стон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган махсус низоми асосида амалга оширилади.

Бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП низо-лариданги партия органлари партия низомида ва ижти-моий ахлоқ нормаларини бузганлиги учун партия аъзо-ларига нисбатан коллектив равишда муҳокама қилиш ва ўртоқларга танқид шаклида партиявий тарбия чоралари-ни кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Низо-ми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва ҳуқуқатвори учун партия аъзосини унинг сафидан чиқ-ариши мумкин. Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва маъзур ташкилот ҳис-обига турувчи партия аъзоларининг армидан кўпроги шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисоб-ланади.

Партиядан чиқарилган киши уч ой мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўни билан икки ой муддат ичда кўриб чиқилади.

Узрли сабабсиз аъзолик бадалларини тўламаган пар-тия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташки-лотига кўриб чиқишлиши лозим. Агар партия аъзоси-нинг партия билан алоқани узганлиги аниқланса, у ҳолда унинг партияга аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партияга аъзолик партия аъзосининг ихтиёрий равиш-да партия сафаридан чиқиш тўғрисидаги аризасига би-ноан ҳам тўхтатилади.

II. ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

6. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик ва бошқа дасту-рларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жамиятга тақлиф этиб, бошқа ижтимоий сиёсий кучлар билан эркин мусо-бақда сиёсий эътиқодига эришиш учун ҳаракат қилади.

У барча давлатчилик ваколатли ҳокимият органларига сайлов чотида ўз номзодларини қонуни равишда қўлла-б-қувватлашнинг ва сайланишга эришиш учун ҳаракат қила-ди. Партиядан кўрсатилган ҳар бир номзод, ўзи сайла-нгандан кейин бирин-бир сабабга кўра Ўзбекистон ХДП сафларидан чиққан тақдирда, истетфо тўғрисида тегишли ваколатли органга илтимоснома тақдим этиш ҳақида у-

ни номзод қилиб кўрсатган партия ташкилоти ёки пар-тиянинг раҳбар органига виждонан ваъда беради.

7. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиё-сий йўлини давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқарув жамоат органларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказиши, улар орқали қонуни равишда белгилаган тартиб-да, қонулар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳа-ларини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига до-ир тақлифларни киритади.

Партия аъзолари бўлган депутатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш учун ваколатлари даврида сайланад-иган тегишли ҳокимият органларига Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари, фракцияларига бирлашадилар ва ўз парламент фаолиятлари хусусида ана шу органларга тобе-дирлар. Партия аъзолари раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, аммо Ўзбекистон Халқ-Демократик пар-тияси номидан ҳаракат қиладиган гуруҳлар ёки фрак-цияларни тузишлари мумкин эмас.

Партия гуруҳлари, фракциялари партия қурултойлари ва конференцияларининг қарорларига амал қиладилар, сайланадиган тегишли партия органларининг тавсиялари-ни амалга оширадлар. Муҳим сиёсий масалалар бўйича нукта назарларини келиштириш учун сайланадиган теги-шли партия органлари билан сайланадиган ҳокимият органларидан партия гуруҳлари, фракцияларининг кўш-ма мажлислари ўтказилиши мумкин. Партия гуруҳлари, фракцияларининг аъзолари тегишли ҳокимият органлари-да овоз бериш чоғида биргаликда ишлаб чиқилган нук-та назарларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги партия гуруҳи, фрак-цияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Олий Кенгаш ваколатлари дав-рида унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот партия қурул-тойи томонидан тингланishi мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг ҳокимият органлариданги партия гуруҳлари, фракциялари бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан ҳамкорлик қи-лишлари ёки икбий опозицияда бўлишлари мумкин.

8. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ва сайланган партия органлари партиянинг савловодли ҳаракат дасту-рини амалга ошириш мақсадида ўз вакилларини қону-нда белгилаган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралариданги муайян лавозимларга тавсия этишлари му-кин ва сайланадиган ҳокимият органларига тегишли пар-тия гуруҳлари, фракциялари орқали уларнинг сайланиши-га ёки тайинланишига эришиш учун ҳаракат қилади.

III. ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОНДАЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қондаларига муво-фиқ шайлади ва ҳаракат қилади. Бу қондалар:

— партия ташкилотларининг ўзини-ўзи бошқаришини ва уларнинг иштирокчи жамоатчилик тарзида ишлаб чиқил-ган сиёсатни турмушга таъбиқ этишда улар ҳаракатининг бирлигини;

— қуйдан юқоригача партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сай-лаган ташкилотлар олдига ҳисобот беришларини;

— ишда ошқоралик, рўй-ростлик ва ҳамжihatликни;

— фикр билдиришда эркинликни, турли қарашларни тақдослашни, ошқора танқид ва ўзини-ўзи танқидни;

— шахсга нисбатан эъзобдорлик, унги, мулкни, маъна-вий ва жисмоний зиён етказиш истисно қилинишини таъ-минлашни;

10. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қонда та-риқасида худудий асосда тузилади. Бунда бошланғич пар-тия ташкилотларини худудлар бўйича район, шаҳар, Қо-рақалпоғистон республика, вилоятлар партия ташкилот-ларига бирлаштириш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча ташкилотлари ушбу низоми доирасида ва ўзларига таал-луқли партия қарорларини бажаришда юқори партия ор-ганлари олдига ҳисоб бериш тартибига риоя этишган ҳол-да ўзларининг ички турмуши ва фаолиятини уюштиришда мустақилдирлар.

12. Умумий йиғилиш, конференция, қурултой партия-нинг раҳбар органларидирлар. Улар партия ташкилотлари аъзоларининг армидан кўпроги ёки сайланган делегатлар-нинг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда тегишли ҳуқуқга эга бўладилар.

Раҳбар партия органлари ижроия органларини (партия ташкилотларининг кенгашларини, ижроия бюросларини) ва тафтиш комиссияларини сайлайдилар ҳамда уларга зар-ур ваколатлар берадилар.

Ижроия органлар ва тафтиш комиссияларининг, сайла-надиган тегишли ҳокимият органлариданги партия гуруҳ-лари, фракцияларининг конференция, қурултой делегат-лари этиб сайланган аъзолари мақсадга овози ҳуқуқи билан уларнинг ишида қатнашишлари мумкин.

Тафтиш комиссиялари партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганини назорат қилдилар, партия ташки-лотлари ва муассасаларининг партия бюджетига ижро-ясини ҳамда молия-ҳужалик фаолиятини тафтиш этадилар, конференция, қурултой тасдиқлайдиган низомига мувофиқ бошқа назорат ишлари ва ваколат-ларини амалга оширадлар. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бэр вақтинг ўзнда тегишли партия ижроия ор-ганининг аъзоларини бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

13. Партия ташкилотлари, сайланадиган органлари ўз одиллигида турган вакилларини ҳал қилиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларнинг улар ишида қатнаши-шининг низомига хилоф бўлмаган ҳар қандай шакллари-дан фойдаланишлари мумкин.

Партия аъзоларининг ёки раҳбар ва ижроия партия ор-ганларининг ташаббуси билан партия клублари, назарий семинарлар, сиёсий марказлар ҳамда қизилчи ва муаммо-вий, шу жумладан, касб-қуру буйича ҳам бирлашишининг бошқа шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсати-ши мумкин.

Улар партиянинг тарихий тузилмалари бўлмай, партия-нинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалалар-ни муҳокама қилдилар ва улар хусусида ўз нуктаи на-зарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги пар-тия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари муҳокамасига тақлифлар ва лойиҳалар киритадилар.

14. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, конфе-ренцияларда, қурултойларда бевосита ёки белгилаган миқдор (кютада) қўни партия ташкилотлари томонидан сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ушбу вакил-ларни қақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Партия йиғи-лиши, конференцияси, қурултойининг, сайланадиган ор-ганининг ихтиёрига кўра, овоз бериш яширин ёки очик бўлиши мумкин.

Партия аъзолари сайлов чоғида номзодларини чекланма-ган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва делегатлар асосида райд қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Партия органларининг таркиби тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмининг бирлаштирувчи ташкилотларининг талабига мувофиқ ёки сайланган орган-нинг айрим ёхуд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истетфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг

ваколат муддати тугашидан аввал янгилиниши ёки тў-ла-тўқис қайтадан сайланиши мумкин.

16. Партия ташкилотлари ва сайланган органларига кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурдир. Озчилик ўз нуктаи назарини раҳбар ва иж-роия партия органларида, оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фик-рини баённомаларда қайд эттириш, бошқа масалаларнинг қайта кўриб чиқишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган орган-лари томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дасту-рий мақсадлари ва низомига зид бўлмаса улар партия юқори органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустаснодир.

17. Партиянинг сайланадиган органлари асосан жамо-атчилик асосида шайландилар. Улар ўз ваколатлари дав-рида ўзларига бўйсунадиган меҳнат шартномаларига му-вофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузишлари мумкин. Бу аппарат уларнинг фаолиятини ахборотларини тўлаш ва тақлиф қилиш, социологик-баюорат тақдиротла-ри ўтказиш, ташкилий ишлар ва мақсадларга хизмат бил-ан таъминлайди.

18. Партия ташкилотлари ва сайланадиган органлари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъ-сис этивчиларининг шериклари бўлишлари мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг неғиз ҳисобланади. Улар ташки-лотга бирлашишини истовчи камида 5 нафар партия аъ-зоси бўлган тақдирда, одатда, район, шаҳар ҳокимияти (ўзини-ўзи бошқариш) органларига сайлов ўтказувчи бир ёки бир қанча сайлов округи доирасида тузилади ҳамда тегишли район, шаҳар ташкилоти кенгашининг ижроия бюроси томонидан рўйхатга олинади.

Амалдаги қонуларга хилоф бўлмаган йолларда бир корхонада, ишлаб чиқариш биноларида, хўжалик, муас-са, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштири-радиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотла-ри тузилади.

Амалдаги қонунига мувофиқ партия тузилмаларини таш-кил қилишга йўл қўймайдиган корхоналарда, ташкилот-лар ва муассасаларда ишловчи партия аъзолари худудий партия ташкилотларининг бирида ҳисобда турадилар ва ўзларининг партиявий бурчларини иш (хизмат) жойидан ташқарида ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

Худудий ва ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташки-лотлари зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси, Қо-рақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари сайловни ўтказувчи сай-лов округлари доирасида худудий округ гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Маъзур гуруҳларнинг ишини теги-шли район, шаҳар партия ташкилотларининг ижроия органлари мувофиқлаштириб турадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибиде цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларини тузиши, ўз йи-ғилишининг қарорига мувофиқ уларга партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

20. Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ички турмушларига доир масалаларни мустақил ҳал қиладил-ар. Улар ҳар қандай партия органининг қарорига ўз му-носабатларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу пар-тия органи аса масаланинг моҳияти ҳисобидан жаъоб қай-таршига мажбурдир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тар-ғиб қилдилар ва тушунтира борадилар, партия қарор-ларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар, пар-тия аъзолари бўлиш халқ депутатларининг аҳоли ўрта-сида олиб борадиган ишларида уларнинг таянч бўғилари ҳисобланадилар.

21. Умумий партия йиғилиши бошланғич, цех партия ташкилотларининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш за-руратга қараб, аммо камида ҳар кварталда бир мартаба ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг илжои бўлма-ган тақдирда цех ташкилотлари ёки партия гуруҳлариде ягона кун тартиби билан конференция ёки йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Жорий ишларни олиб бориш учун бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) ижроия бюроси ва унинг секретариати ёки секретарь ва унинг ўринбосарини икки-уч йилга сайлайди, район, шаҳар партия ташкилоти кенгашига секретариати вакил қилади ёки бошқа ваколатли шахсни сайлайди. Партия гуруҳлари-да партия гуруҳининг ташкилотчиси сайланади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Қо-рақалпоғистон республика ташкилоти партия сиёсатининг умумий қондаларига ҳамда партиянинг олий ва марказий органларининг қарорларига амал қилиб, Қорақалпоғистон Республикасининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий маданий жиҳатдан ривожлантиришга тааллуқли масалалар да ўз йўлини мустақил равишда белгилайди ва амалга оширадди. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитети тар-кибига ўз вакилини йўллаш ҳуқуқидан фойдаланади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят ташкилоти мақомига эга бўлиб, партиянинг олий ва марказий орган-лари билан бевосита муносабатда бўлади.

Бошланғич ташкилотларни бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таянч тизимли бўғинларидир.

Район, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари ўз худуд-лари доирасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг сиёсатини аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб борадилар.

23. Партия конференцияси Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотининг раҳбар ор-гани бўлиб, тегишли партия ташкилоти кенгашининг қар-орига, юқори партия ташкилотининг тақлифига, маъзур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисми-ни бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан қақирлади. Навбатдаги партия конференциялари, одатда маҳаллий, республика ҳокимияти органларига сай-лов ўтказиш юзасидан сайлов кампаниялари бошланиши-дан олдин, аммо камида беш йилда бир марта қақирлади.

24. Партия ташкилоти кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиб, асосан қўни партия ташкилотларининг белгилаган тенг миқдор бўйича сай-ланган ва ваколат билан юборилган тўла ҳуқуқли вакил-ларидан иборат бўлади. Конференция тегишли кенгаш аъ-золарининг бир қисминини қўшимча равишда сайлаши му-кин, бунда ана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг кенгашларига сайлаш учун белгилаган миқдор аввалги таркибидан тегишли кенгаш пленуми томонидан, қўни район ва шаҳар партия ташкилотлари билан келишган ҳолда конференциянинг ча-қириш тўғрисидаги қарорни қабул қилган айин бир вақтда тасдиқланади. Район ва шаҳар партия ташкилотларининг кенгашларига ҳар бир бошланғич партия ташкилотидан биттадан вакил сайланади ва ваколат билан юборилади.

25. Конференция партия



Умр — оқар дарё, дейдилар. Ҳаш-паш демай азим Мирзаҷўли Улаштиришга киришганига ҳам 35 йил бўлди. Ҳозир бу масканни чўл дейишга тилинг бормайди. Унинг бағрида қанчадан-қанча шаҳар ва туманлар пайдо бўлди.

СУРАТА: бу санага бағишлал Гулстонда ўтказилган сайл пайтада лавҳа. Ф. ҚУРВОНБОВ олган сурат.

Абдулло ОРИПОВ ҚАЛБ ТОРИ ЧЕРТИЛГАНДА

БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Кеча оқшом фалакда ой бузариб боғганда, Ухуро юлдуз милтирлаб, хира қанда отганда, Рўҳида бир манослик сокинлик уйотганда, мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим, Эслаб халға толдим, биринчи муҳаббатим.

Удди ёшлик завоқ билан, гоҳи тўполон билан, Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан, Аҳри ҳам тушди баъзан қалб билан, имон билан, Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим, Мангу гафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайни англаб бўлмас сир экан, Гоҳида кен экан, гоҳида туйунксиз қар экан, Лекин инсон ҳамини бир ҳисга асир экан... течун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим, Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Холбуки ораулардан мудо ҳам бўлганим йўқ, Юлдуздай сулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ, Эрта хахон гул каби сарғайиб сулганим йўқ, Сени эслаб йилгайман, биринчи муҳаббатим, Эслаб бағрим тилгайман, биринчи муҳаббатим.

Йўқли йўқотса одам — муҳаббатга суянгай, Ҳуссага боғса одам — муҳаббатга суянгай, Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай, Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим, Фақат эслаб ёнганман, биринчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпанга қулоқ тутдим, Сирли тушлар кўриб мен бор дуйиним унутдим, Тонгда туриб номинга ушбу шевриним битдим, Дилдаги оқим менинг, биринчи муҳаббатим, Елғиз оллоқим менинг, биринчи муҳаббатим.

Кўйгил, у кунларни эслатаман менга, Қалбимни ёқмасини бу ҳазон фаслинг, Энди бегонаман, жонгинам, сенига, Энди бегонадир менга ҳам васлинг.

Гоҳида севиниб, гоҳидам гамдадир, Ҳайр узра эвардим мен эркин қанот, Билмайман қайси кун, қайси дамдадир, Менинг қисматинга чанг солди саяд.

Унинг кўйларидир бу кун имкони, Бу кун ҳамроҳимдир гўзал катирбо, Кўйгил, у кунларни эслатаман, жоним, Кўйгил, юратинга сен берма азоб.

Узгалар юзига боқса ҳам ҳайрон, Фақат сен томоша қилма ҳолим, Фақат сен шеврини севса ҳеч қачон, Фақат сен ҳимоя қилма номиним.

Дарин тут ишваю назоқатларинг, Фақат сен юзига боқмагани кўлиб, Ҳайҳот, энди барча илтифотларинг Менга туюлади масхара бўлиб.

— Ҳайр энди... Қалбимда бир видео қолди, Ҳайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оқу, Бугун сен қайдасан! Қайларда қолдинг! Бугун бош устингда кимнинг паноҳи! Сени кеч топганим, эрта йўқотдим, Қарғайли лойқим сенинг қадрига, Узгалар қалбиди қадр уйғотдим, Бироқ етолмадим ўзим қадрига, О, инсон қисмати бунчалар чинга, Буначалар хилма-хил фоже ва аза.

Қисматим, узимдан гуноҳдор бу гап, Наҳот гуноҳдорга кўшиқинг жазо! — Ҳайр энди... Қалбимда бир видео қолди, Ҳайр энди, сен кетдинг бегуноҳ оқу, Бугун сен қайдасан! Қайларда қолдинг! Сени бугун кимларнинг маъсум ҳамроҳи! Қайси бир одамнинг бағрига ёрсан, Очқиндилми сенига тоғе дарҳасин! Бугун сен кимларнинг маъсуми зорсан, Менинг юратганимнинг маъсуми парчаси.

Сен Пушкиннинг севган малага Сен Лутфиннинг сўлим газали, Сен Гёте орзу этган киз, Булбулсан Қофиз гулганин, Сен Байроннинг ўгли, Ва Ҳайёмнинг ширин асапи, Сен Гейлени бидирган юлдуз, Телемда нозлиниб турган, Алишернинг Гулсисан сен, Эй сен менинг эрка гўзалим!

«Халқ сўзи» тахририятига ЁЗУВЧИЛАР АҲДИ: ЯҚДИЛ БЎЛАЙЛИК

Биз шундай нозик, мураккаб бир даврда яшамоқдамизки, мустақиллик билан боғлиқ ва ҳаёт илғари сураётган долзарб масалалар ҳар биримизнинг эътиборимиздаги фуқаролик масъулиятимизни кун сайин ошироқмоқда. Зеро, «Бу масалаларнинг бугун қай даражада ҳал этилиши қай биримизнинг эртанги аҳоли руҳиятига, фарзандларимизнинг қисматига ўз таъсирини кўрсатаётганлиги. Шундай масалалардан бири — тилимизнинг қонуний мавқени кўтариш, шундай масалалардан бири — замонавий талабларга жавоб берадиган янги ўқув дарслиқлари тайёрлаш, шундай масалалардан бири — тарихини йўқотган саҳифаларини қайта тиклаш, шундай масалалардан бири — жойларни қайта номлашда фаол иштирок этиш, қулавлар, хўжалиқлар, районлар ҳалқимизнинг азиз фарзандлари ёхуд ўзининг азалий номи билан аталишини таъминлашдир...»

Ҳа, мустақиллик бири-бириндан муҳим масалаларни олдимизга кўндаланг қилиб қўймоқда. Бундай пайтда биз ҳар қачонгидан кура аҳил, ҳар қачонгидан кура ақил бўлишимиз, ҳалқимизнинг оғирини англи қилишимиз керак. Хусусан биз —

ёзувчи, зиёлиларнинг бир ёқидан бош чиқариб, юрт ишига қамарбаста бўлишимиз жуда муҳимдир. Чунки халқимиз азал-азалдан зиёлининг, ёзувчининг сўзини мўътабар деб билган. Шу маънода «Халқ сўзининг» шу йил 29 октябрда сониди эълон қилинган «Мурсога келамизми?» деган мақола руҳияти бизни рағбатлантирди.

Ўзбекистон ёзувчиларининг Х курултойида иштирок этган ҳар бир адиб газета ходими, шоир Раим Фарҳодийнинг ушбу мақоласи курултойи ҳақида халқда нотўғри тасаввур уйғотиш учун атай эзилган, дейишга ҳаққидир. Гарчи курултой ижтимоий ва адабий масалалар юзасидан кескин баҳсу мунозаралар кўзгаган, ниҳоятда ошқорча, чинкам демократик мулоҳазаларни қўйишга ҳукм сурган бу ижтимоий йўналишни турғата бундай тақдир эди. Мисол учун далилларга мурожаат этилик, биринчидан: газета ходими айтидики, гўё «ҳисобот даврида оламдан ўтган ёзувчилар хотираси бир дақиқали сукут билан эсланмади ҳам».

Холбуки, курултой очилиши олдиндан беш юзга экин дегандек иштирокчида улуг бобоимиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш ма-

роҳи Фарҳодий бу саволларни атай очиб қолдиради. Мақсад нима — газетхошларни чалғитишми! Учинчидан: рўзнома ходими «Одил Екубовдан сўздан сўзданча бўлган даврда уюшмадан қўллаб истисодчи ижодкорлар кетиб қолишгани, уларнинг китобларини нашр қилишда ёрдам кўрсатмаганилиги учун жавоб бериши талаб қилинди», деб ёзади.

Анжуманда, афсуски, бунинг акси айтилди. Курултойгача бўлган даврда истеъдодли ижодкорларнинг китоб нашр этишлари енгиллашсин учун уюшма раҳбарияти сай-ҳаракати билан «Ёзувчи» нашриёти юзага келди...»

Курултойгача бўлган даврда бирон-бир ёзувчи уюшмадан чиққан йўқ, аксинча, юзлаб ёзувчи аъзоликка қабул қилинди. Айни шу кунда ҳам қабулни сўраб мурожаат этган экинчи юздан эъди ижодкор аризаси навабат кутиб турибдики, уларнинг аксарияти истеъдодли ёзувчилардир.

Тўртинчидан: рўзнома ходими курултойда нотиклардан бири айтган фикрнинг эслаб ўтади: «20 миллион нускадаги китоб оморларидан, дўконларда чанг босиб ётибди». Дарҳақиқат, бу фикр курултойда ёзувчилар уюшмаси бу масалага эътибор бермади, деган маънода айтилди ва жиддий норозиликка сабаб бўлди. Китобларнинг чанг босиб, сотилмай ётиши учун уюшма эмас, балки халқнинг эътиборини тортмаган китобларнинг чоп этган нашриётлар айбдор эканлиги таъкидлаб айтилди. Лекин мақола муаллифи бу ҳаққидан кўз юмеди экин

РАССОМ КИНОЯСИ



Мусаввир А. МАРКЕЛОВ.

«БИРЛИК» ХАЛҚ ҲАРАКАТИ ТАН ОЛИДИ

«Бирлик» халқ ҳаракати атрофидаги шов-шувлар барҳам топганига ҳали кўп бўлмади. Лекин ҳаракат аъзоларининг 1989-90 йиллардаги фаолиятларидан сўнг республикада қандайдир бир сиёсий сокинлик вужудга келгандай эди. Бу сокинликни республика Адлия вазирлиги бузди.

Кеча «Бирлик» халқ ҳаракати сиёсий ташкилот сифатида тан олинди. Ўзбекистон Адлия вазирлиги Мухаммад-Бобир Маликов «Бирлик» халқ ҳаракати негачиси Раҳим Абдурахим Пулатовга шу ҳақдаги 77-рақамли туюқнома-ни топиради.

«Бирлик» халқ ҳаракатининг тан олинганлиги демократия сари ташланган яна бир қадам бўлди, деди Мухаммад-Бобир Маликов. Биз билан суҳбатда. — Биз мустақил Ўзбекистон халқининг ҳаёт мароми бўлишига истамаймиз ҳолос. Қонун доирасида фаолият кўрсатаётган ҳар қандай ташкилот ишати ҳақли. Шунинг учун ҳам ўз йўлида маълум бир ўза тушиб олган «Бирлик» халқ ҳаракатига бугун оқ йўл очилди.

Чин мустақилликка кенг оммани иштирок қилдиришдан эришиб бўлмади. Шу сабабли халқни сиёсатга жалб этиб тўла мустақиллик учун курашга уюштириш асосий интилишимиздир. — деди Абдурахим Пулатов.

Матлуба ИСМОИЛ қиз.

«Тошкент» биржаси жамоаси акционерлик жамияти иқтисодий аҳолилар бўлими бошлиғи

Шуқрулло Раҳимович МУТАЛОВнинг

бевақф вафот этганини чуқур гаёу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

М. МАРДИЕВ, «Халқ сўзи»нинг ўз муҳбири.

Инсон ва қонун

Агар биз ҳуқуқий давлатда яшганимизда эди, Болта Раҳматов ўзининг шунинг қадрини тиклаш учун умрига тўрт йилни турли идораларга қатнаш билан ўтказиб юбормаган бўларди.

Агар жамиятимизда Адолат тарозини ўз мувозанатини йўқотмаганида эди, Б. Раҳматов энг сўнгги илмиқ билан тахририятимизга мурожаат қилмаган бўларди.

Агар қонуларимиз жамият фойдасига ишлаганида эди, Болта Раҳматов турғунлик буйруқларга айландирмаган бўларди.

бузишда, қобилиятсизликда айбоб бошладилар. Ана шу айбоблардан бири Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари келиб кетганда биринчи Комиссия янгуларини ўзига «беқисс» дастури деб билган Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бўлими мудири 1988 йил 15 декабрда шундай буйруқ чикариди: «Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош судмедэксперти З. Ғиёсов, бўлим мудири В. Лукоцкий ва У. Одиловлардан иборат комиссия справканини ўрғанади, Б. А. Раҳматовнинг «Бухоро вилояти судмедэкспертизаси бошлиғи М. Ф. Раҳмоновнинг хизмат вази-расини сунистьёмол қилиши ҳамда нотўғри хатти-хара-

ОДИЛ ХУЛОСА УЧУН... ҚУВГИН

ЭКСПЕРТ В. РАҲМАТОВНИНГ
КЎРГАН-КЕЧИРГАНЛАРИ

катлари тўғрисидаги рапорт таъдиқланмади».

Хўш, нега таъдиқланмади? Буйруқнинг қолганини эшитинг: «Комиссия бўлим мудири Б. Раҳматов ўз фаолиятида СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳаракатдаги буйруқларини қўпол равишда бузганлигини аниқлади». Яна ушбу буйруқда зикр этилишича, Раҳматов асосланмаган экспертизалар билан тергов жараёнларини чалғитган, меҳнат интизомини бузган, аттестациядан ўтмаган эмиш.

Хуллас, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг нуфузли комиссияси Б. Раҳматовнинг шикоятини текшириш ўрнига унинг ўзига шундай «ерлик» ёпиштириб кетди. Ҳамма иш шундан кейин бошланди. Вилоят прокурори ўринбосари Ф. Қоннов кўрсатмаси билан Ўзбекистон Жиноят кодексининг 149, 151-моддаларига асосан Б. Раҳматов устидан жиноий иш қўзғатилди. Тергов марказдан келган терговчилар Артюхова, кейин Петрушиналарга «ишониб» топириди. Улар В. Раҳматовнинг жиноий жавобгарлига тортишини турли йўллари билан давомида дў-пўисалар қилдилар, юқори тартипларга ёган шикоят-аризаларини унинг юзига солдилар, кимга ёзсанг ёзавер, барбир тақдиринг бизнинг қўлимизда, деб қулдилар.

Шундан кейин вилот

прокурори ўринбосари Ф. Қоннов хатига асосан вилот соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Усмоновга мени Ёғдувон район судмедэкспертизасидан четлаштириш ва район марказий касалхона матмуолибига шифоқорлик билан боғлиқ бўлмаган иш беришни топириди. — Мен ундан норозан бўлиб, вилот прокурорига мурожаат қилдим. Аммо қонун ҳимоячиси Ф. Қоннов қонунни оёқости қилиб, 1988 йил 5 февралдаги хати билан менига «Сизга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тўғри қилинган» деб жавоб ёзди. Менга нисбатан олиб борилган тергов тугаб, иш судга ўтказилди. Суд эса

судга ишонсизлик билдириб, СССР Прокуратурасига мурожаат қилди. Хайрият, бу сафар Иттифоқ прокуратураси адолатни четлаб ўтолмади. СССР Бош прокурори ўринбосари Я. Дзентис имзоси билан келган жавобда Ф. Қонновнинг норозилиги асоссиз деб топилади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими 1990 йил 23 май 90-сонли буйруғи билан Б. Раҳматовни олдинги ишга тиклаш тўғрисида буйруқ чикариди. Бироқ, вилот судмедэкспертизаси бошлиғи М. Раҳмонов Б. Раҳматовга Учқудуқ ёки Зарафшон шаҳарларига бориб ишлашни тақлиф қилди. Болта Раҳматов узоқ шаҳарларга бориб ишлаш учун мутлақо имкониёти йўқлигини айтди. Шундан кейин бошлиғи уни 1990 йил 30 майда Вобкент судмедэкспертизасига эксперт этиб тайинлаш тўғрисида буйруқ берди-ю, уша кун «штанг қисқарди» деб Раҳматовни ишдан бўшатди. Бундай қонунбузарликка чидай олмаган Б. Раҳматов Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев район халқ судига мурожаат қилди. 1990 йил 14 августда суд қарори билан Б. Раҳматов ишга тикланди ва уч ойлик маошини ундириб берилди. Нондоғ қолган М. Раҳмонов 1990 йил 21 августда Б. Раҳматовни Вобкент район судмедэксперти этиб тайинлаш тўғрисида буйруқ берди. Аммо бу сафар Болта Раҳматов М. Раҳмоновнинг сўзига ҳам, ўзига ҳам ишонмади. У ўзи тугилиб ўсган Ёғдувон районида ишга юборишни талаб қила бошлади. Бошлиқ эса оёқ тираб олди:

— Сўзим сўз. Орғана қайтиш йўқ, — деди.

Болта Раҳматов бошлиқ томонидан қўлланилаётган бундай чораларни ўзи учун ҳақорат деб билди. Ва ўзбекистон Олий Кенгашига ҳақиқатини тиклаб бериш сўраб мурожаат қилди. Яна уздан-узоқ текширишлар бошланди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили Ақида Солиқова Б. Раҳматовнинг шикоят хати бўйича текшириш ўтказиб, Б. Раҳматовни Ёғдувон район судмедэкспертизасига ишга тайинлаш мақсада мувофиз деган хулосага уллуб мақолага нўқча қўйиб бўларди. Аммо бир нарсаси Б. Раҳматовга ҳам, бизга ҳам ноён бўлиб қолди.

Мен вилот судмедэкспертизаси раҳбарларининг ноқонуний ишларини ёзиб балога қолдим, — дейди у. — наҳотки одамлар бегуноҳ ўлиб кетаверишад-ю, ижтимоий қалбани, маънавиятга бўйсундирилган ақс-пертиза хулосаларни шаноҳида жазодан қутулиб қолавердилар?

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Вуяртма № 6307. 118800 нускада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбуачилик концерни.
Тошкент шаҳри 700003, Ленинград кўчаси, 31-уй.

«Халқ сўзи»